



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 6 » mart

№ 116

Toshkent sh.

### **“Хаётий давр шартномаси” асосида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва шаҳар инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳуқуқий экспериментни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 26 июлдаги ПҚ–236-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 26 июлдаги ПФ–112-сон Фармониға мувофиқ Тошкент шаҳрида **2027 йил 1 январга қадар** ҳуқуқий эксперимент тарихида давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва шаҳар инфратузилмасини яхшилаш тартиби жорий этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва шаҳар инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳуқуқий экспериментни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 26 июлдаги ПҚ–236-сон қарорига мувофиқ **“Тошкент Инвест компанияси” АЖга** айрим йўналишлар бўйича объект (маҳсулот)ни барпо этиш (ишлаб чиқиш)дан бошлаб фойдаланишга топшириш ва келгусида эксплуатация қилиш (қўллаб-қувватлаш)гача бўлган барча жараёнлардаги ишларни давлат харидлари доирасида **“хаётий давр шартномаси” асосида битта тадбиркорлик субъекти билан ҳамкорликда амалга оширишга** рухсат этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **“Хаётий давр шартномаси” асосида ишлаш тартиби тўғрисида низом** иловаға мувофиқ тасдиқлансин:

“Хаётий давр шартномаси” асосида ишлаш йўналишлари ва тартиби;

“Хаётий давр шартномаси”ни тузиш;

“Хаётий давр шартномаси” реестрини юритиш, лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва ҳисоботини юритиш.

3. Белгилансинки, Тошкент шаҳрида қуйидаги ишлар **2027 йилнинг 1 январига** қадар ҳуқуқий эксперимент тариқасида “Ҳаётий давр шартномаси” асосида амалга оширилади:

**автомобиль йўллари, шу жумладан, йўлбўйи инфратузилмаси объектларини** лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш;

**коммунал хўжалиги соҳасидаги объектларни** (шу жумладан, газ, электр, иссиқлик ва сув таъминоти, сувни чиқариб ташлаш, оқова сувларни тозалаш, майший чиқиндиларни қайта ишлаш, утилизация қилиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш ва кўмиш объектлари) лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш;

**ижтимоий соҳа объектларини** лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ва уларни сақлаш;

**дастурий таъминотларни** (ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, маълумотларни қайта ишлаш марказлари, дастурий-аппарат комплекслари) лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, ишга тушириш ва келгусида қўллаб-қувватлаш.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги **2026 йил 1 декабрга қадар** ушбу қарорнинг 3-бандида назарда тутилган ҳуқуқий эксперимент натижаларини пухта таҳлил этган ҳолда, ҳуқуқий экспериментнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ш.Б. Умурзаков зиммасига юклансин

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

## “Ҳаётий давр шартномаси” асосида ишлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Ҳаётий давр шартномаси” асосида амалга оширилиши мумкин бўлган йўналишлар бўйича объект (маҳсулот)ни барпо этиш (ишлаб чиқиш)дан бошлаб фойдаланишга топшириш ва келгусида эксплуатация қилиш (қўллаб-қувватлаш)гача бўлган барча жараёнлардаги ишларни давлат харидлари доирасида “ҳаётий давр шартномаси” асосида битта тадбиркорлик субъекти билан ҳамкорликда амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**буюртмачи** – лойиҳаларни “Ҳаётий давр шартномаси” асосида амалга оширишда махсус ваколат берилган юридик шахс – “Тошкент Инвест компанияси” АЖ (кейинги ўринларда – Компания);

**буюртманома** – манфаатдор давлат ташкилотининг лойиҳаларни “Ҳаётий давр шартномаси” асосида амалга ошириш ҳақидаги топшириғи;

**ижрочи** – “Ҳаётий давр шартномаси” доирасида харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлари бўйича ғолиб деб топилган ва ўзи билан шартнома тузилган иштирокчи;

**келишув** – лойиҳаларни “Ҳаётий давр шартномаси” асосида амалга оширишда Компания ва ташаббускор ўртасида тузилган ҳамда тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи ҳужжат;

**ташаббускор** – лойиҳаларни “Ҳаётий давр шартномаси” асосида амалга оширишга билвосита манфаатдор бўлган давлат ташкилоти;

**“Ҳаётий давр шартномаси”** – объект (маҳсулот)ни барпо этиш (ишлаб чиқиш)дан бошлаб фойдаланишга топшириш ва келгусида эксплуатация қилиш (қўллаб-қувватлаш)гача бўлган барча жараёнлардаги ишларни битта тадбиркорлик субъекти билан ҳамкорликда амалга ошириш учун харид қилиш тартиб-таомиллари асосида тузилган ҳамда буюртмачи ва ижрочи ўртасидаги ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув (кейинги ўринларда – ҲДШ).

3. Лойиҳалар “Ҳаётий давр шартномаси” асосида ушбу низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

## **2-боб. “Ҳаётӣ давр шартномаси” асосида ишлаш йўналишлари**

4. Қуйидаги йўналишларда объект (маҳсулот)ни барпо этиш (ишлаб чиқиш)дан бошлаб фойдаланишга топшириш ва келгусида эксплуатация қилиш (қўллаб-қувватлаш)гача бўлган барча жараёнлардаги ишлар “ҲДШ”га асосан бажарилиши мумкин:

автомобиль йўллари, шу жумладан, йўлбўйи инфратузилмаси объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва уларни сақлаш;

коммунал хўжалиги соҳасидаги объектларни (шу жумладан, газ, электр, иссиқлик ва сув таъминоти, сувни чиқариб ташлаш, оқова сувларни тозалаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, утилизация қилиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш ва қўмиш объектлари) лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва уларни сақлаш;

ижтимоий соҳа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ва уларни сақлаш;

дастурий таъминотларни (ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, маълумотларни қайта ишлаш марказлари, дастурий-аппарат комплекслари) лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, ишга тушириш ва келгусида қўллаб-қувватлаш.

## **3-боб. “Ҳаётӣ давр шартномаси” асосида ишлаш тартиби**

5. Ташаббускор ҳар йилнинг 1 сентябрига қадар “ҲДШ” асосида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини тасдиқлаш чораларини кўради.

6. Ташаббускор ушбу Низомнинг 2-бобида назарда тутилган йўналишлар бўйича келгусида “ҲДШ” асосида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича буюртманома билан Компанияга мурожаат қилади.

7. Лойиҳаларни амалга ошириш учун буюртманомага Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

лойиҳанинг молиялаштириш манбаларини тасдиқлаш чоралари кўрилганлиги тўғрисида маълумотнома;

объект (маҳсулот)ни барпо этиш (ишлаб чиқиш)дан бошлаб фойдаланишга топшириш ва келгусида эксплуатация қилиш (қўллаб-қувватлаш)гача бўлган барча жараёнлардаги товарлар ва ишларнинг рўйхати;

лойиҳани ёки унинг бир қисмини амалга ошириш бошқа дастурлар билан қамраб олинмаганлиги тўғрисида маълумотнома.

8. Келиб тушган буюртманома беш иш кунида Компания томонидан Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу

Низом талабларига мувофиқлиги, молиялаштириш манбаларининг аниқлиги ўрганилиб, натижаси бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

буюртманомани қабул қилиш тўғрисида;

буюртманомада аниқланган, лекин бартараф этиш мумкин бўлган камчиликларни бартараф қилиш муддатини аниқ кўрсатган ҳолда, ҳужжатларни ташаббускорга қайтариш тўғрисида;

буюртманомани қабул қилишни рад этиш тўғрисида.

9. Буюртманомада аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддати беш иш кунидан ортиқ бўлмаслиги лозим. Бу муддат ташаббускорнинг асослантирилган илтимосномасига мувофиқ Компаниянинг бошқарув раиси ёки у ваколат берган мансабдор шахс томонидан яна беш иш кунигача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин.

10. Буюртманома ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилмаган йўналишлар бўйича тақдим қилинганда ёки мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда, буюртманомани қабул қилиш рад этилади.

Буюртманомани бошқа сабабларга кўра рад этиш тақиқланади.

11. Буюртманомани кўриб чиқиш якуни бўйича қарор Компаниянинг бошқарув раиси ёки у ваколат берган мансабдор шахс томонидан қабул қилинади.

12. Компания томонидан буюртманомани маъқуллаш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг, ўн иш кунидан кечиктирмай ташаббускор билан лойиҳаларни “ХДШ” асосида амалга оширишда ҳуқуқ ва мажбуриятларни Компанияга ўтказиш тўғрисида келишув тузилади.

13. Келишувда:

лойиҳани молиялаштириш учун ажратилган маблағларни фақат лойиҳа доирасида сарфлаш ваколатини Компанияга бериш ва бу борадаги Компаниянинг жавобгарлиги;

лойиҳани амалга оширишда тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

лойиҳани амалга ошириш бўйича бажарилган ишлар тўғрисида ташаббускорга ахборот бериб туриш ва лойиҳа-смета ҳужжатларига риоя қилинишини мониторинг қилиш ҳамда аниқланган камчиликлар бўйича эътирозларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари;

лойиҳани амалга ошириш борасида бажарилган ишларни қабул қилишда Компания вакиллари билан бирга ташаббускор вакилларининг ҳам иштирокини таъминлаш тартиби ва вакилларнинг ваколатлари;

лойиҳани амалга оширишда тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал қилиш тўғрисидаги қоидалар назарда тутилиши лозим.

14. “ХДШ” асосида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, Келишув тузилгандан сўнг, лойиҳалар бўйича ижрочини танлаш, шартномаларни расмийлаштириш ва молиялаштириш

ишлари Компания томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. “ХДШ” асосида лойиҳаларни амалга оширишда Компаниянинг мақоми ташаббускор билан тузилган Келишувга мувофиқ давлат буюртмачиларининг мақомига тенглаштирилади.

16. “ХДШ” асосида лойиҳаларни молиялаштириш манбалари этиб – давлат бюджети параметрларида кўзда тутилган маблағлар, Тошкент шаҳрини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, қонунчилик ҳужжатларига асосан бюджет маблағларига тенглаштирилган бошқа манбалар белгиланади.

#### **4-боб. “Ҳаётий давр шартномаси”ни тузиш**

17. Харид қилиш тартиб-таомиллари яқунларига кўра таклифи энг мақбул деб топилган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси бўлган ижрочи Компания билан ўн кун муддатда “ХДШ” тузилади.

18. “ХДШ” “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартибларга риоя қилган ҳолда тузилади ва шартномага қуйидаги қоидалар ҳам киритилиши лозим:

· лойиҳани амалга ошириш бўйича бажарилган ишлар тўғрисида буюртмачига ахборот бериб туриш ва лойиҳа-смета ҳужжатларига риоя қилинишини мониторинг қилиш ҳамда аниқланган камчиликлар бўйича эътирозларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари;

лойиҳани амалга ошириш бўйича бажарилган ишларни қабул қилишда Компания вакиллари билан бирга ташаббускор вакилларининг ҳам иштирокини таъминлаш тартиби ҳамда вакилларнинг ваколатлари;

лойиҳани амалга ошириш бўйича нархларни индексация қилиш тўғрисидаги қоидалар.

#### **5-боб. “Ҳаётий давр шартномаси” реестрини юритиш, лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва ҳисоботини юритиш тартиби**

19. “ХДШ” асосида лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиш Компания томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ тартибга солинади.

20. “ХДШ” асосида тузилган шартномалар тўғрисидаги ахборот Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан махсус ахборот порталида юритиладиган Шартномаларнинг ягона реестрига киритилади, шунингдек, лойиҳаларни рўйхатга олиш, ҳисоботи юритиш тартиби шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

## **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

21. “ҚДШ”да назарда тутилган лойиҳаларни амалга оширишда тарафлар ўртасида келиб чиққан низолар музокаралар йўли билан ҳал этилади. Музокараларда келишувга эришилмаган ҳолларда низолар суд тартибида ҳал қилинади.

22. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.



“Хаётий давр шартномаси” асосида ишлаш тартиби тўғрисида низомга илова

**Лойиҳаларни “Хаётий давр шартномаси” асосида амалга ошириш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ташаббускор (давлат ташиклоти)	1. “Хаётий давр шартномаси” асосида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини тасдиқлаш чораларини кўради. 2. “Хаётий давр шартномаси” асосида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича буюртманома билан “Тошкент Инвест компанияси” АЖга мурожаат қилади.	Ҳар йилнинг 1 сентябрига қадар  Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	“Тошкент Инвест компанияси” АЖ	1. Буюртманомани қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Низом талабларига мувофиқлиги, молиялаштириш манбаларининг аниқлигини ўрганиб, натижаси бўйича қарор қабул қилади. 2. Буюртманомани маъқуллаш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг, ташаббускор билан лойиҳаларни “Хаётий давр шартномаси” асосида амалга оширишда ҳуқуқ ва мажбуриятларни Компанияга ўтказиш тўғрисида келишув тузади.	5 иш кунида  10 иш кунида
3-босқич	“Тошкент Инвест компанияси” АЖ	Лойиҳалар бўйича ижрочини танлаш, шартномаларни расмийлаштириш ва молиялаштириш ишларини “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартибда амалга оширади.	Келишув тузилгандан сўнг, манзилли рўйхатда белгиланган муддатларга асосан
4-босқич	Харид қилиш тартиб-таомиллари ҳолиби (ижрочи)	“Тошкент Инвест компанияси” АЖ билан “Хаётий давр шартномаси”ни тузади.	10 кун муддатда
5-босқич	“Тошкент Инвест компанияси” АЖ	“Хаётий давр шартномаси” асосида лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилади.	Мунтазам